**Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича**

# ШАРТНОМА № 01

Муборак ш. «21» январ 2022 й.

«Узбектелеком» АКнинг Кашкадарё филиали номидан бундан буён **«Оператор»** деб аталувчи,

**Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Муборак ТКБ**

(операторнинг номланиши)

**Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси**

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи

**Муборак Телекоммуникация боғламаси бошлиғи**

**Ш.Н.Бозоров**

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

| Юридик шахс. |
|---|
| Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: **Муборак туман** Мактабгача таълим бўлими |
| Манзили: Муборак туман Тонг. МФЙ |
| Раҳбар Ш. Атаева |

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу ҳақда туздилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонет эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, ҳамда хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2.Абонент 2019 йилда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотига курсатилган алоқа хизматлари учун қуйидаги график асосида хақ тулашни уз зимасига олади Жумладан:

(сумда )

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами бир йилда |
|---|---|---|---|---|---|
| 2022 Бюджет хисобидан | 90.000 | — | — | — | 90.000 |
| 202__ Бюджет ташкари маблағлар хисобидан | — | — | — | — | — |
| **Жами:** | 90.000 | — | — | — | 90.000 |

Жами 90.000 (тўқсон минг )сум

1.3.Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат хакини туловчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.

## 2. ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1. Операторнинг мажбуриятлари:**

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

2.1.4.Абонентнинг айбсиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. Қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлиқ суткалар учун амалга оширилади.Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш.Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.

2.1.5.Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва ҳоказолар)нинг охирги ускуналарини шартномага қўшимча киритган ҳолда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказиш.

2.1.6.Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш коидалари»да белгилаб берилган бошка бир катор мажбуриятларга хам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).
2.1.7.Оператор курсатилган хизматлар хисоб-варак фактураларини хар ойда бюджет ташкилотига такдим этиб бориш мажбуриятини олади.

**2.2.Операторнинг хукуклари:**
2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоклари реконструкция килиниши муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофик Абонентнинг рухсатисиз, аммо унга ўз вактида хабар берган холда, телефон ракамини бепул ўзгартириб қўйиш.
2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аппаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузайтиргич, ПК, АОН ва бошкалар)ни ўчиртиришни операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб килиш.
2.2.3. Қуйидаги холларда абонент ускунасини телефон тармогига уланишини тўхтатиш:
- махаллий, шахарлараро ва халкаро телефон алокаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алока хизматлари тўловлари тўланмаганда (бунда телефон алокасини узиш хакида абонент камида 3 кун олдин телефон билан огохлантирилиши зарур);
- абонент томонидан охирги курилмаларни ишлатиш коидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халакит берган холларда;
- 3.1.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга кадар.

Шартномани кайта тиклаш ва охирги курилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузатиб бўлингандан сўнг ва Абонент томонидан махаллий, шахарлараро, халкаро телефон алокасининг телекоммуникациялар хизматлари учун хак тўлангандан кейин амалга оширилади(алока хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб қўйилган муддат хам киради).
2.2.4.Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алокаси хизматлари учун тўловни амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор килинади.
2.2.5.Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор хукукларга хам эга.

## 3.АБОНЕНТНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Хар чоракда камида 1 марта Оператор билан ўзаро хисоб-китобларни аниклаш максадида солиштириш далолатномаси тузиш.
3.2. Оператор хисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланиладиган уй телефон симлари ва бошка ускуналарни ишга яроқли холатда саклаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёрларга мувофик бўлишини таъминлаш.
3.3. Алока бузилишлари хакида телекоммуникация боғламасининг таъмирлаш бюросига ўз вактида хабар бериш.
3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддат ичида ёзма равишда, санасини кўрсатган холда Операторга хабар килиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани кайта расмийлаштириш ёки уни бекор килиш. Ижара муддати тугаши билан ёки ижарага бериш бўйича шартнома бекор килинадиган бўлса, телефон алокаси хизматини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул кайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор кила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидаги карзларини узишини назорат килади ва карзлар мавжуд бўлган такдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб хисобланади.
3.5.Абонентнинг алока «Қоидалар»ини кай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимини (агар у расми ёпиштирилган, корхона мухри босилган, амал килиш муддати кўрсатилган гувохномага эга бўлса) бинога киришга рухсат этиш. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди хам бўлиши зарур.
3.6.Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо максадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон ракамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоида»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган такдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармогига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчиликлар бартараф этилгунга кадар тўхтатиб қўйиш хукукига эга. Абонент томонидан мазкур холатлар такрорланганда шартнома бир томонлама бекор килинади.
3.7.Фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошка ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувофиклик сертификати бўлмаган, телефон ракамини автоматик аниклаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.
3.8. Абонент телефонларидан ва бошка охирги курилмаларидан амалга оширилган махаллий, шахарлараро, халкаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.
3.9.Абонентлик курилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошка радио алокаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъкикланади. Бу курилмаларни улаш операторга маълум килиниб, мувофиклик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган курилманинг уланиш вактини аниклаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан хисоблаб ундирилади.
Радиотелефонлар ва бошка радиоэлектрон воситалар (10 мВт кувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент курилмаси сифатида уланган такдирда Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу курилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.
3.10.Телекоммуникация тармоклари иш сифатини пасайтиришга ёки уларни шикастланишига каратилган хатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.
3.11.Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор мажбуриятларга хам эга.
3.12.Абонент курсатилган хизматлар хаккини тулаш учун «Туловчига» хар ойда хисоб-варак фактуралар нусхасини етказиб боради.

3.13. Абонент факатгина харажатлар сметасида алока хизматлари учун 2021 йилда ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида курсатилган (бюджет хисобидан) туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига курсатиладиган телефон алокаси хизматларига конунчилик асосида белгилаб бериладиган Узбекистон Республикасида амалдаги тарифлар буйича хак туланади.
3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, накд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасидан чикмаган холда мазкур шатрноманинг 1.2. бандидаги бюджет хисобидан туланадиган каторида курсатилган сумма асосида хар чоракнинг учдан бир кисми доирасида ойма –ой туловни амалга оширади.

## 4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

4.1. Абонент смета харажати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан хар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тулов топширикномасига асосан хизмат хакини тулайди, сметада ажратилган маблаглардан ортикча курсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг махсус хисоб-ракамидан туланиши уз зимасига олади.
4.2. .Маҳаллий, шаҳарлараро ва халкаро телефон алокаси учун тўловлар:
- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.

4.3. Олдиндан бунак тарикасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.
4.4. Телефон алокаси хизматлари учун олдиндан туланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетликда таксимланиб тўланади:
- абонентлик тўлови ва кўшимча хизмат турлари;
- хисоблагичлар;
- шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган такдирда, улар бўйича хисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга
кадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилишидан олдин амалга оширилган бўлса).
4.5. Махаллий сўзлашувлар (вактбай асосида тўлов тизими жорий этилганда), шахарлараро ва халкаро телефон алокасидан фойдаланганлиги учун тўлов хисоб варағига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар хам шунга киради), хисоб варағида кўрсатилган санадан бошлаб 3 банк куни ичида амалга оширилади.
4.5.1. Хисоб-китоб килинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун хисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган такдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб кўйилади.
4.5.2. Абонент хохишига кўра оператор шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл холати)да бериши мумкин.
4.5.3. Абонент шахарлараро ва халкаро сўзлашувлар бўйича маълумотни такрорий сўраган холларда ундан кўшимча равишда 300 сўм, агар электрон вариант(файл холати)да бўлса 100 сўм (хар бир компьютер вараги учун) олинади. Мазкур тўловлар алока хизматлари тарифлари ўзгарганида кайта кўриб чикилади.
4.6. Белгиланган муддатда алока хизматлари тўловлари тўланмаса, телефон ўчириб кўйилади, бунда оператор шартномани бекор килиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларига мувофик карзларни ундириб олиш хукукига эга.
Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомида телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб кўйилган вакт учун карзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган холда шартномани бекор килиш ва карзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш хукукига эга. Қайтадан телефон ёки бошка охирги курилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.
4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул микдорига, сўзлашув вакти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у хисоб варагини олгандан сўнг 30 кун давомида раддия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар кабул килинмайди. Текширув натижалари Абонентни қаноатлантирмаса судга мурожаат килиши мумкин .
4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шахарлараро ва халкаро сўзлашувларга чикиш коди(8)сиз ишлатиб кўйилади.
4.9. Хар ойнинг 1-чи куни холатида дебитор карздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» карздорлик суммасининг 0,1% микдорида тўловнинг хар бир кечиктирилган куни учун, бу карздорлик тўлик ундириб олингунча кадар пеня хисоблайди.
4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошка охирги курилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлик микдорда ундириб олинади.
4.11. Халкаро ва шахарлараро автоматик телефон алокасидан фойдаланилганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти сўзлашув бошланган вактдан хисобга олинади. Телефонга уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, ракамни аникловчи ва хоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб хисобга олинади.

## 5 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1Низоларни хал этиш чогида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.
5.2Томонлар ўзаро келиша олмаган холларда, низолар Хўжалик судида хал этилади.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган такдирда уларнинг масъулияти Ўзбекистон Республикасининг «Фукаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўгриси»ги конунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармокларида телефон алокаси хизматларини кўрсатиш коидалари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошка бир катор амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик томонларнинг жавобгарликлари кўриб чикилади.

## 7.ФОРС-МАЖОР

7.1.Томонларнинг хохиш-истагига мутлако боғлик бўлмаган холларда (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароитлари, хукумат чора-тадбирлари, хокимият идоралари карорлари, харбий тўкнашувлар, ички тартибсизликлар ва бошка холатларда) томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартномани ижро этиш бузилган деб хисобланмайди, томонларнинг шартномани бажариш муддатлари юкорида кўрсатиб ўтилган холатлар бартараф этиб бўлингунга кадар кейинга сурилади.

7.2.Форс-мажор холатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат органининг тасдикланган тегишли хужжатини такдим этиши керак.

## 8.ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1.Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра кўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хакконийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган кўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

8.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, «Коидалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома Ғазначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 202__йил « 31 » декабргача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин куйидаги холларда бекор килиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган такдирда;

Ўзбекистон Республикаси конунчилик хужжатларида белгиланган бошка холларда.

9.3. Мазкур шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

## 10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Ижрочи»**

«Ўзбектелеком"АК Кашкадарё филиали
Муборак ТКБ
Занжирсарой шох кучаси 15/2
тел/факс:6723230
х\р: 2021 0000 9040 7483 8383
Банк номи: Карши Алока банк
МФО: 00401 ИНН: 203366731
ОКОНХ: 61100

Директор: __________ Ш.Н.Бозоров

**«Буюртмачи»**

Муборак туман
Мактабгача таълим бўлими
Тел/факс 672-24-00
шхр: 100022860102341098602251002
Банк номи: Тошкент ш. Марказий банк
ИНН: 305153763
ОКОНХ: __________

Уз .Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги
Тошкент ш. Марказий банк
х/в: 23402000300100001010
МФО: 00014
Ғазначилик булинмаси СТИР: 201122919
Бошлик Ш. Атаева

Юридик хулоса:

«Ўзбектелеком"АК Кашкадарё филиали Муборак ТКБ хамда ______________________ ташкилоти уртасида жами: ______________________ суммасида тузилган алока хизмати курсатиш буйича 202__ йил « » ________даги тузилган шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси « Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конун ва Фукаролик кодекси талаблари асосида тузилган.

-Шартнома талаблари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига жавоб беради.

-Шартнома мажбуриятлари бузиш холатлари буйича жавобгарлик ва низоларни хал этиш чоралари амалдаги конун хужжатлари талабларига жавоб беради.

Қайта рўйхат

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT STATISTIKA
QO'MITASI

QASHQADARYO VILOYAT
STATISTIKA BOSHQARMASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ПО СТАТИСТИКЕ

УПРАВЛЕНИЕ СТАТИСТИКИ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Qarshi shahri Mustaqillik ko'chasi, 3-uy Tel: (8375)221-05-27 Faks: (8371) 230-84-17

Хўжалик юритувчи субъектларини
Корхона, ташкилотлар Ягона давлат регистрига
киритилганлиги тўғрисида

О включении хозяйствующего субъекта в
Единый Государственный регистр
предприятий и организаций

# ГУВОХНОМА № 59

# СВИДЕТЕЛЬСТВО

1. Руйхатга олинган сана
Дата заполнения — **13.08.2012й**

2. Корхона, ташкилот ва хужалик юритувчи субъект номи :
Наименование предприятие , организации : — КТУТ Хос рақами / Код ОКПО: *01196376*

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК Қашқадарё филиали**

| | | |
|---|---|---|
| 3. ХХТУТ буйича асосий фаолият тури. Основной вид деятельности по ОКОНХ. | Код Хос рақами | *52300* |
| 4. МШТ буйича мулкчилик шакли. Форма собственности по КФС. | Код Хос рақами | 148 |
| 5. ТХШ буйича ташкилий – хукукий шакли. Организационно-правовая форма по КОПФ. | Код Хос рақами | 1100 |
| 6. Корхона манзили МХОБТ буйича тулик хос раками Местонахождение предприятия: (полный код по СОАТО) | Код Хос рақами | 1710401 |

7. Давлат руйхатидан утказилган ракам
Номер государственной регистрации 17.09.2011 й. — Х-739/9

Асос: На основе: Қарши шахар ҳокимининг карори

8. Давлат руйхатидан утказилди (кайта утказилди):Государственная регистрация (перерегистрации) произведена

Қашқадарё вилоят статистика бошкармаси

( Руйхатга олувчи орган номи ) (наименование регистрирующего органа)

Ю.КАРАЕВ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
И КОММУНИКАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# LITSENZIYA
# ЛИЦЕНЗИЯ

**АА № 0005659**

Litsenziya turi / Вид лицензии: Индивидуальная

Berilgan sana / Дата выдачи: 21 августа 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии: с 02.01.2007г. dan / по 02.01.2017г. gacha

Litsenziatning nomi / Наименование Лицензиата: **Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»**

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / Адрес и банковские реквизиты Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001 в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг международных сетей телекоммуникаций (в том числе IP-телефония)

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

M.O'.
M.П.

*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: с 03.01.2017г. dan / по 03.01.2032г. gacha uzaytirildi

*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati / Срок действия лицензии продлен: с ____ dan / по ____ gacha uzaytirildi

M.O'.
M.П.

*Rahbarning imzosi:*
*Подпись руководителя:*

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр №106

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ JD6405552717

1.Loyihaning turi

Muborak tuman Maktabgacha ta'limi bo'limining Xo'jalik munosabatlariga oid, Yuridik va yuridik maqomga ega bo'lmagan tadbirkor iste'molchilar uchun telefon aloqa xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma loyihasi yuzasidan quydagilarni,

A N I Q L A D I M:

2. Loyihaning nomi

"O'ztelekom" AK Qashqadaryo filiali nomidan bundan buyon operator deb nomlanuvchi, O'zbekiston Respublikasi aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo'mitasi tomonidan berilgan litsenziya va nizom asosida faoliyat ko'rsatuvchi, Muborak telekommunikatsiya bo'limi boshlig'i Sh.N.Bozorov, ikkinchi tarafdan va Muborak tuman Maktabgacha ta'limi bo'limi (keyingi o'rinlarda "Iste'molchi" deb yuritiladi)ning nizom asosida faoliyat yurituvchi raxbari Sh.Ataeva ikkinchi tomondan mazkur shartnomani quyidagilar to'g'risida tuzdilar:
telefon aloqa xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi shartnoma tuzilgan kunidagi umumiy narxi **90000 (тўксон ming)** so'mni tashkil etadi.

Ushbu telefon aloqa xizmatlarini ko'rsatish to'g'risidagi shartnomasiga muvofiq, "Ta'minotchi korxona" "Iste'molchi"ga telefon aloqasining universal va qo'shimcha xizmatlarni ko'rsatish va "Iste'molchi" ko'rsatilgan mazkur xizmatlardan foydalanish hamda xizmatlar uchun o'z vaqtida haq to'lash majburiyatini olish to'g'risida rasmiylashtirilgan mazkur shartnoma,

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Muborak tuman Maktabgacha ta'limi bo'limi tomonidan 20.01.2022-yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan. Yuqorida qayd etilganlarga asosan,

**X U L O S A   Q I L D I M:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asoslangan holda ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **X.A.Boirqulov**

2022-yil "21" yanvar